

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ФАЛСАФАСИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР ГЕНЕЗИСИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-494-499>

Сагдуллаева Дилбар Шухратовна
Фалсафа фанлари номзоди, доцент
Мұхаммад ал - Хоразмий номидаги ТАТУ
sagdullaevadilbar14@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Қадимги Хитой фалсафий тафаккурида қарор топған ҳуқуқиіт қараашлар тадрижий тараққиети таҳлил этилиб, кишилар ҳаётини тартибга солишига оид дастлабки қараашлар диний афсоналарга таянғанлығы, улар мұайян бир ҳудудда яшаган халқтарнинг турмуш тарзи, одатлари, жамиятда ўрнатылған тартиб-меъёrlаридан гуохлик берувчи ахлоқий қоидалар күринишида тақомиллашиб, ўз даври учун қонун тусига кириб борғанлығы асосланған.

Хитойлик мутафаккирларнинг илмий мероси юзага келған дастлабки қонунлар ахоли ҳаётини тартибга солишида, жамиятни бошқаршида ахлоқ, ҳуқуқ ва ижтимоий тизим бир-бируни ўзаро құллаб-қувватлаб турғанлигидандалолат беради.

Калит сұздар: ахлоқ, анъана, ижтимоий тизим, сиёсий онг, ҳуқуқиіт онг, ҳуқуқиіт маданият, тартиб, қонун.

Abstract. In this article, the gradual development of legal views established in ancient Chinese philosophical thought is analyzed, and the initial views on the regulation of people's lives were based on religious legends, they were improved in the form of moral rules testifying to the lifestyles, customs, and norms of the society of the peoples who lived in a certain area. It is based on the fact that it has become law for the period.

The first laws, the scientific heritage of Chinese thinkers, show that ethics, law and social system mutually support each other in the regulation of people's lives and management of society.

Key words: morality, tradition, social system, political consciousness, legal consciousness, legal culture, order, law.

Ҳуқуқиіт онг инсон маънавиятининг асосий бүғинларидан биридир. Шу сабабли инсон маънавиятининг моҳияти ва даражасини ҳуқуқиіт онгсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият ривожланган сари ҳуқуқиіт онг, ҳуқуқиіт маданият билан боғланиб маънавий қадриятлар тизимида тоборо муҳимроқ ўрин эгаллаб бораверади.

Кишилик жамияти яшashi ва ривожланиши учун ҳамма вақт муайян ижтимоий интизомга эҳтиёж катта бўлган. Ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиш даражаси паст бўлган ибтидоий жамоа тузуми шароитида бу интизом ахлоқий қоидалар, анъаналар, маросимлар, урф - одатлар асосида таъминланар эди. Улар даставвал қабила ҳаётининг муҳим шарти бўлса ҳам, мажбурийлик маъсулияти билан боғланмаган. Жамиятда яшаган инсонлар ўртасидаги муносабатларни бурч ва маъсулият даражасига кўтарган қонунлар бўлмаган даврларда ҳуқуқий онг ҳам бўлмаган. Ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши билан жамиятнинг ижтимоий ва маънавий ҳаёти ҳам ўзгариб, давлат томонидан бошқариш ишларини тартибга солиб турувчи янги қоидалар – ҳуқуқ меъёрларини мажбурият даражасига кўтарувчи қонунлар вужудга келган. Уларнинг асосий жиҳатлари ёзма равишда аниқ ва қатъий белгиланган. Шу даврдан бошлаб ҳуқуқий онг шаклланган.

Хитойда дастлабки жамиятни тартибга солишга доир қарашлар фалсафий дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида афсоналардаёқ кўзга ташланади. Қадимги манбалардан бири “Цин фа”да баён қилинишича, Хуанди худоси жамият тузилишига ва давлатнинг бирлигини таъминлашга оид қонунлар чиқарувчи якка ҳукмдор ҳисобланади. Унинг ҳукми, кўрсатмасиз одамлар ушбу жамият, давлат фаолиятига аралаша олмайдилар, аралашган тақдирда уларни кўнгилсизликлар ва оғатлар кутади [1: 86].

Шарқнинг йирик марказларида кишилар ҳаётини тартибга солишга оид дастлабки фикрлар худолар номи билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам ҳокимиятни ташкил этувчи ҳам жамоани тартибга солиш қоидаларини ўрнатувчи куч сифатида тасвирланган. Кишиларнинг охират дунёсини ердаги ҳаёти белгилаб бериши ғояси ҳам бирмунча даражада ушбу қоидаларнинг барча учун мажбурий бўлган “қонун” тушунчасининг келиб чиқишига олиб келиб, ҳуқуқий мафкуранинг уруғ жамоаси учун хос бўлган қўринишини намоён қилган.

Қадимги Хитой манбаларига кўра, мамлакатда адолатнинг умуман йўқлиги ва ҳеч ким ижтимоий зинопояда ўзидан юқори турувчилар тазиикидан ҳимоя қилинмаганлиги, Ван(шоҳ)нинг ҳукми олдида барча тенглиги ҳақидаги мулоҳазаларни учратамиз[2:86-87]. Бизнингча, бу даврларда Миср ва Қадимги Хитойда марказлашган давлат шаклланган, давлат идорасининг аҳамияти ортиб бориб, жамиятни тартибга келтиришда қонун ҳукмрон табақанинг иқтисодий, сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватловчи, омманинг эзилиши ва қашшоқликда ҳаёт кечиришини оқладиган асосий кучга айланганлигини англашиб билан бирга ҳуқуқий онг ҳам шаклланиб борганлигидан дарак беради.

Бизнингча, дастлабки давлатларнинг қарор топиши, унинг сиёсий институт даражасида мавжуд бўлиши муқаррар равишда жамиятни итоатда сақлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этарди.

Чунки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожи жамият синфий таркиби ўзгаришига ва у билан боғлиқ бўлган, турли сиёсий-хуқуқий тузилмалар шакланишига олиб келди. Илгаридан мавжуд ўзига хос ҳаёт тарзи ва уни тартибга солиш механизмлари бўлмиш анъаналар, урф-одатлар, ахлоқ ибтидоий жамоа эҳтиёжларини акс эттиrsa-да, ўз ўрнини илғорроқ тартибга солиш воситаларига бўшатиб бермади. Шарқ жамиятларида ҳурфикрлилик ғоялари бирмунча даражада бўғилган ҳолда ҳалқ менталитетида, хусусан ҳуқуқий онгидаги ҳам, ахлоқий меъёрлар билан одат ҳуқуқининг ўзаро қоришуви сақланиб келаётган эди.

Қадимги Шарқ ҳалқлари ҳуқуқий онги масаласини тадқиқ этишда бирмунча кейинроқ шаклланган диний, ижтимоий-фалсафий таълимотлар таҳлили ҳам катта аҳамият касб этади. Лао-цзи фикрича, “агар ҳокимият ўта фаол бўлса, ҳалқни идора этиш қийин бўлади”[3: 26]. Лао-цзи ўта фаолликни қоралаб, уни жамиятда тартиб-интизомга путур етказиб, ўзбошимчаликка,adolat мезонлари бузилишига олиб келади деб ҳисоблайди: “Мамлакатда таъқиқловчи қонунлар кўп бўлса, ҳалқ қашшоқлашади”, “Қаерда қонунлар ва фармонлар кўпайса, ўша жойда ўғрилар ва талончилар ҳам кўпаяди”[4: 47.]. Конфуций яшаган даврда қонун давлат ҳокимиятининг манбаи ҳисобланган ҳалқни ҳимояловчи эмас, балки ҳукмрон табақа манфаатларига хизмат қилувчи кучга айланганлигини кўриш мумкин. Қонуннинг ўзи кишилар ўртасида тенгсизликни мустаҳкамлайди, демак ҳокимият фаоллигининг натижаси ҳисобланган қонунчиликнинг кучайиши даодан чекинишни англатади. Демак, ўз даври учун жамиятни тартибга солишнинг анъанавий механизмларини танқид қилган Лао-цзи қонун аҳамиятини бутунлай инкор этмади. Унингча, жамият ҳам умумий табиат қонуни дао асосида яшashi лозим.

Конфуций ўз фалсафий қарашларида ахлоқий қоидалар ва ҳалқ анъаналарига таяниш билан бирга жамиятни қонун ёрдамида бошқаришни инкор этиб, ўтмишдаги урф-одатлар, бошқарув анъаналарини тиклаш тарафдори бўлиб чиқди. Конфуций жамиятни бошқариш воситалари сифатида дао (“осмон ҳукмини адo этишда олижаноб киши юрадиган йўл”) ва ли (“жамиятда бошқарув, урф-одатлар ва нарсалар тартиби, эзгу хулқ-атвор қоидалари, амалларни бажариш йўллари”) тартибларини тушунган. “Агар тепадагилар жамиятни бошқаришда, урф-одатлар ва нарсалар тартибига амал қилсалар ҳалқ уларга хурматсизлик кўрсатишга журъат қилмайди”[5: 47.]. “Агар жамият қонунлар ёрдамида бошқарилса ва жазолар ёрдамида тартиб ўрнатилса, ҳалқ жазолардан қочишига интилади ва ўз қилмишларидан уялмайди. Агар ҳалқ эзгу амаллар ва ахлоқ ёрдамида бошқарилиб, тартиб ўрнатилса, ҳалқ ўзининг қилмишларидан уялади ва тўғри йўл тутади”[6: 58]. Инсонийлик ва инсонпарварликни улуғловчи, Конфуций таълимоти учун инсон эркинлигини ахлоқий меъёрлар воситасида унинг ўзи томонидан ихтиёрий равища

жиловланиши аҳамиятлироқдир. Демак, Конфуций учун урф-одат, анъаналар подшоҳ билан халқни боғловчи, кишилар ўртасида муроса ўрнатишнинг воситаси сифатида тушунилган.

Мо-цзи эса, Конфуций қарашларини танқид қилиш асосида ундаги қатор фояларга қарши чиқиб нисбатан асосли, яхлит тизимли таълимот яратди. У барча кишиларнинг табиатан тенглигини ёқлаб чиқиб, халқни олий қадрият сифатида эълон қилди. Осмон ва халқ иродаси ўзаро уйғундир. Аньаналарга ишончни инкор этиб, Мо-цзи давлатни бошқариш воситаси қонун эканлигини тан олди. Бироқ, у ҳам замондошлари каби ўша давр муҳити таъсиридан четга чиқа олмади, яъни қонунлар осмон иродасига мувофиқ бўлиши зарур.

Қадимги Хитой ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган йўналишлардан бири Легизм мактаби бўлиб, унинг вакиллари Шан Ян (эр.авв.390-338й.), Хан Фэй-цзи (эр.авв.288-233й.) Конфуций ва дао таълимотини танқид қилиш асосида давлатни бошқариш ва унинг воситалари ҳақида фикр юритдилар. Улар конфуцийликдаги “ли” тартибларига “фа” қонунини қарши қўйиб, ишонч усулларидан, яъни ахлоқий мажбурлашдан тўлиқлигича воз кечиб, хуқуқий мажбурлаш ва жазога таяндила. Виждонни қўркув билан алмаштириб, давлатни катта бир оила сифатида тушунишни эса уни жонсиз бир механизм сифатидаги тасаввур билан алмаштириди. Улар таълимотидаги ижобий томон бу тенг имкониятлар ҳақидаги қарашлари эди [7: 52-53].

Шан Ян қарашларига кўра, “давлат (армия ва мансабдорлар тимсолида) қонунга амал қилувчи фуқароларни рағбатлантириши ва айбдорларни қаттиқ жазолаши керак. Давлат жамиятни тартибга солувчи асосий механизм, шу боисдан ҳам у ижтимоий муносабатларга, иқтисодиёт масалаларига, фуқароларнинг шахсий ҳаётларига аралашибга ҳақлидир” [8:32]. Бизнингча, булардан фуқаролар ўртасида қонунга риоя қилиб яшаш кўнижмаси, авваламбор, давлатнинг хатти-харакатлари билангина шакллантирилиши мумкинлиги назарда тутилса, қонун фақат жиноятга бериладиган қаттиқ жазо чоралари орқалигина ўз кучини сақлаб туриши мумкин деб тушунилгани намоён бўлади. “Қонун ҳамма учун, оддий халққа ҳам, катта мансабдорга ҳам бирдай тенг бўлиши керак” [9: 32].

Ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётган жамият учун “қонун олдида барчанинг баробарлиги” фоясининг ўртага қўйилишининг ўзи тўнтариш даражасидаги ҳодиса эди. Конфуций ва Мо-цзидан фарқ қилиб, легистлар таълимотида қонуннинг маънавий асоси, яъни инсон хуқуқ ва манфаатлари масаласи эътибордан четда қолган. Демак, улар томонидан қонун муайян ижтимоий-иқтисодий тузумнинг маҳсули, ҳар бир жамият эҳтиёжларига мувофиқ ўзгариб борувчи тартибга солиш механизми сифатида тушунилган.

Демак, давлат раҳбари ва фуқаро ўртасидаги муносабатга ўзига хос тарзда ёндашиш масаласи бўйича ҳам Шарқ файласуфлари бири бирини истисно этмайдилар. Улар наздида давлат бошқарувининг қайси шакли амал қилишидан қатъи назар давлат раҳбари ҳар қандай шароитда ўз фуқаролари олдидаги бурчи ва мажбуриятини бажаришга мажбурдирлар, улар халқни бир мақсад асосида бирлаштириб олға қараб ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлишлари керак. Айнан шу сиёсий қарашларданоқ мутафаккирларнинг ҳуқуқий онги намоён бўлади. Чунки бунда раҳбар муайян ҳуқуқларнинг субъекти сифатида жамият олдидаги вазифасини бажариш жараёнида фуқаровий бурч ва мажбуриятларнинг бажарилишини ҳам талаб қиласди. Беруний жамият тараққиётини диалектик тарзда тушунган, ҳар бир даврда жамият бошқаруви барча учун баробар бўлган қонун –қоидалар воситасида амалга оширилиши зарурлигини таъкидлаган. Бу эса ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойили – қонун устуворлигини ўз даврида ёқлаб чиққанлигидан далолат беради.

Конфуций фикрича, “Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асоси мана шу авом эканини унумаслиги керак” [10: 70]. Ушбу қараш Амир Темур фаолиятида янада ривожлантирилди.

Юқоридагиларга асосланиб қуйидаги хулюсаларга келиш мумкин:

- Хитой мутафаккирлари, давлатни бошқариш, унда тартиб ўрнатишга оид қарашларидан дастлабки даврларда жамиятни тартибга солишида ахлоқий меъёрлар устунлик қилганлигини, давлатчиликнинг қарор топиши билан эса, ахлоқ ўз вазифасини жамият ижтимоий муносабатларида сақлаган ҳолда аста секинлик билан ҳуқуқий меъёрларга берганлигини кўриш мумкин.
- Хитой фалсафасида ҳуқуқий онгга оид фикрларда қонун ҳуқуқий муносабатларга, суд масалаларига бўлган қарашларнинг назарий ифодаси сифатида ўрин олган;
- Хитой фалсафасида ҳуқуқ давлатдан ташқари бўлиши мумкин эмаслиги ғояси асосланади. Давлат идоралари ҳуқуқий меъёр ва қоидаларни белгиловчи, ўзгартирувчи, мажбурловчи чораларни кўллаш йўли билан уларнинг бажарилишини таъминлайди.
- Хитой мутафаккирлари фикрича, давлат ҳуқуқий меъёрларни икки усул билан, яъни ўзига зарур бўлган турмуш қоидаларини белгилаш ёки уларни тасдиқлаш йўли билан яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES).

1. История древнего Востока. От ранних государственных образований до древних империй. - М.: Восточная литература РАН, 2004. – с.86.

-
2. Древнекитайская философия. Собрание текстов в 2-х т. Т.1. - М., 1972-1973. - с.86-87.
 3. История политических и правовых учений. - М.: Норма-Инфра, 1999. - с.26.
 4. История китайской философии. - М.: Прогресс, 1989. - с.47.
 5. История китайской философии. - М.: Прогресс, 1989. - с.47.
 6. История китайской философии. - М.: Прогресс, 1989. - 58-бет.
 7. Қаранг:Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. - М.: Наука, 1981. - с.52-53.
 8. История философии. - Ростов на Дону: Феникс, 2000. - с.32.
 9. История философии. - Ростов на Дону: Феникс, 2000. - 32-бет.
 10. Шарқшунослик. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. - Тошкент: Минҳож саховат, 1996. - 70-бет.